O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Ватан ҳимояси - иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ
● 2004 йил, 18 ноябрь, пайшанба № 138 (2026).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
● Четверг, 18 ноября, 2004 г. № 138 (2026).
Газета издается с 24 июня 1992 г.
● В розницу — цена свободная.

## Туркманистон Президентининг ташрифига доир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзов 2004 йил 19 ноябрь куни расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Бухорода бўладиган олий даражадаги музокаралар чоғида Ўзбекистон — Туркманистон ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари. томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама этилади ҳамда қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланади.

## Марказий сайлов комиссиясида учрашув

АҚШ давлат котибининг ёрдамчиси Майкл Козак Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари Сайёра Хўжаева билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, икки палатали парламентнинг илк сайловига тайёргарлик жараёни борасида ўзаро фикр алмашилди. Бўлажак сайловнинг жаҳон стандартлари ва инсон ҳуқуқларига тўла риоя этилган ҳолда ташкил этилаётгани Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий тизимни демократлаштириш ва эркинлаштиришнинг ёрқин мисоли эканлиги алоҳида таъкидланди.

Учрашувда қайд этилганидек, бугунги кунда сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари кўрсатган депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун тегишли ҳужжатларни ўрганиш ишлари якунига етмоқда. Сайлов иштирокчиларига сайловолди ташвиқотини олиб бориши учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шароит яратилган.

Марказий сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик жараёни миллий қадриятлар ва халқаро андозалар доирасида олиб борилишига алоҳида эътибор қаратяпти. Бўлажак сайловда 14 миллиондан ортиқ фуқаро овоз беради.

(ЎзА).

## Сайловолди ташвиқоти қандай ёритилади?

Марказий сайлов комиссиясининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари, депутатликка номзодларнинг оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқоти тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси тасдиқлаган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом» чоп этилди.

Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказида ана шу икки ҳужжат ижроси билан боғлиқ масалаларга бағишлаб матбуот анжумани ўтказилди. Унда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзтелерадиокомпания, ахборот агентликлари, даврий нашрлар раҳбарлари, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот маркази раҳбари Ш. Қудратхўжаев айни пайтда сиёсий партиялар раҳбарлари, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ваколатли вакиллари депутатликка номзодларни рўйхатга олиш билан боғлиқ ҳужжатларни тегишли тартибда Марказий сайлов комиссияга топширилганлигини таъкидлади. Яқин кунларда Марказий сайлов комиссияси депутатликка номзодларни рўйхатга олади ва ўша кундан эътиборан сайлов кампаниясининг муҳим босқичи — сайловолди ташвиқоти бошланади.

Хўш, оммавий ахборот воситалари, журналистлар сайловолди ташвиқоти жараёнини қандай ёритади? Албатта, ушбу жараёнда тенглик тамойили, очиқлик, ошкоралик, холислик ва ҳаққонийлик асосий мезон бўлмоғи керак. Бу галги сайлов кампаниясига хос янгича жиҳатларга кўра, сайловолди ташвиқоти муқобиллик, бепул ва муайян ҳақ тўлаш асосида, шу билан бирга, қонунда белгиланган тартиб-қоидалар доирасида ёритилиши шарт.

Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш. Ғуломов қайд этганидек, сайлов тўғрисидаги миллий қонунлар, шу негизда ишлаб чиқилган бошқа меъёрий ҳужжатлар оммавий ахборот воситалари вакиллари учун бу борада муҳим дастуриламал бўлиши шубҳасиз.

Анжуманда номи зикр этилган Қарор ва Низомга, шунингдек, сиёсий партиялар ва Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази вакилларининг сайловолди ташвиқоти материалларини оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш жадвалларига амал қилиш йўл-йўриқлари, сайловолди ташвиқотига доир бошқа масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Ғулом МИРЗО,
ЎзА мухбири.

## Журналист масъулиятига бағишланди

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти қошидаги Парламент журналистикаси клубида оммавий ахборот воситаларида сайлов жараёнларини ёритишда ахлоқий-эстетик, касб одобининг ўрнига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда хорижий ва маҳаллий ОАВ ходимлари иштирок этди.

Айни пайтда республикамизда 928 та, жумладан 93 та электрон ОАВ рўйхатдан ўтган. Сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш жараёнида ОАВ замонавий сайлов технологияларидан фойдаланиб, амалдаги қонунчиликка мувофиқ фаолият юритиши лозим. Сайлов кампаниясидек муҳим сиёсий воқеа журналистлардан алоҳида эҳтиёткорлик, ҳалоллик ва холисликни талаб этади. Журналистлар инсоний этика ва ахлоқ меъёрларининг бузилишига йўл қўймаслиги даркор.

Қизғин баҳс-мунозара тарзида кечган давра суҳбати доирасида журналистларнинг сайлов мавзуига оид айрим асарлари юқорида қайд этилган мезонлар асосида таҳлил этилди.

Лазиз РАҲМАТОВ,
ЎзА мухбири.

● 18 НОЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

## Кўзларим қувончи — Ватан байроғи

Байроқ — давлат, демакки, халқ, Ватан рамзи, тимсоли. Унда миллатнинг ўтмиши, шонли анъанаси, қадрияти, руҳияти, маънавияти, орзу-умиди ўз аксини топади. Ўзбекнинг мовий осмондан ранг олган, ой, юлдузли, замин яшиллигини, оқлик—покликни мужассам этган, уларни қирмизи қон томири — жон томири каби бир-бирига боғлаган байроғи эса бунга яққол мисолдир.

Ҳамон эсимда, бундан роппа-роса ўн уч йил олдин миллий байроғимиз мустақил давлатчилик, ҳурлик нишонаси сифатида илк бор бошимиз узра ҳилпираганда, қувончдан юрагим ҳаприқиб кетган. Ўшанда уни юртимиздаги энг баланд, чиройли бинолари пештоқига, асрларни қаритган кўҳна минорларимизга кўрк бағишлаб туришини чин дилдан истаганман, холос. Очиғи, истибдод даврида суягим қотгани учунми, бундан ортиғини орзу қилишга кучим ҳам етмаган.

Ҳа, йиллар шамоли, туб ўзгаришлар менинг энг катта орзуимни ҳам аллақачон ортда қолдириб кетди. Бугун Ўзбекистоннинг бош рамзи нафақат ҳар бир шаҳримиз, қишлоғимизда, балки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси олдида ҳам тенглар ичра тенг бўлиб жамолини кўз-кўз этмоқда. Унинг сони, салмоғи ошиб, давлатлар, мамлакатлар,

(Давоми 2-бетда).

● КУЗАТУВ

## ОТАЛАРИНИ ШОД ҚИЛГАН ЎҒЛОНЛАР

**Фарғона вилояти Бувайда туманидаги Араб қишлоғида истиқомат қилувчи Ботирали ака Деҳқоновнинг хонадонида шу кунларда байрам — ўғли Жасур ҳалол хизматини ўтаб бўлиб, уйга қайтди. Муддатли ҳарбий хизматидан йигит учун қолган энг қимматли эсдалик қисм командири имзоси битилган Ташаккурнома бўлди...**



«Ёмғир билан ер, олқиш билан эр кўкарар», деганлари шу-да. Бундан, албатта, фарзандларини вояга етказиш каби машаққатли меҳнат мевасини тотиб кўрган Ботирали ака ҳам беҳад хурсанд бўлди. Чунки, йигит тартиб-интизоми, одоби билан отасига раҳмат олиб келди.

Офицер Нозимжон Абдураҳмонов хизмат қилаётган ҳарбий қисмда муддатли хизматини ўтаб бўлган аскарларни резервга кузатиш маросимида оддий аскар Жасур Деҳқоновни (суратда) учратгандик. Жасур каби яна бир қанча йигитлар Ташаккурнома билан олтин водийга қайтишаётган эди.

(Давоми 2-бетда).

● ФУТБОЛ: ЖЧ — 2006 САРАЛАШ БОСҚИЧИ

## «Жанговар кўрик» муваффақиятли ўтди

**Кеча «Пахтакор» ўйингоҳида Ўзбекистон ва Хитой Тайпейи миллий терма жамоалари ўртасидаги жаҳон чемпионати саралаш босқичи ўйинига ана шундай баҳо беришга ҳақлимиз. Чунки, мезбонлар нафақат йирик ҳисобда ғалаба қозонишди, шу билан бирга асосий таркибни «жанговар кўрик»дан ўтказишди.**

Россия ва Украинада тўп сураётган ҳужумчиларимиз Гейнрих билан Шацкихларнинг яхши формада эканлиги қувонтирди, албатта. Жамоа сардори Миржалол Қосимов эса, нафақат, жамоадошларини кетма-кет ҳужумларга йўллаб турди, балки ўзи ҳам уч тўп киритиб, хет-трикка эришди.

Ҳимоя чизиғига келиб қўшилган Федоров ва дарвозабон Сафоновларни биринчи бўлимда синаб кўриш имкони бўлмади, чунки меҳмонлар майдон марказидан ўтмасданоқ тўпни йўқотишарди. Ўрта бўғинда Акопянцнинг фаоллиги кўзга ташланди. Ўйиннинг 18-дақиқасида Шацких пенальтидан тўп киритганида, ҳисоб 3:0 бўлди — ундан аввал Гейнрих ва Қосимовлар ўз ҳисобларига голларни ёзиб улгуришганди. Максим яна бир неча бор гол киритиш имконига эга бўлди, бироқ бир бор дарвоза устуни тўпни қайтарди, кейин эса у киритган тўпни ҳакам бекор қилди, ўйиндан ташқари ҳолат. Тўртинчи тўпни Кошелев киритган бўлса, бўлимнинг сўнгги дақиқасида Қосимов ўзининг иккинчи тўпини киритди.

Иккинчи бўлимда бир оз хотиржамликка тушган юртдошлармизни меҳмонлар аяб ўтирмай, дарҳол жазолашди — уларнинг ягона жавоб тўпини Вань Вей Ли киритиб, ҳисобни бир оз қисқартирди. Аммо, майдонга Шишелов ва Бикмаевларнинг чиқиши мезбонлар ҳужумларига янада шиддат қўшди — айнан Шишелов оширган тўпни Қосимов боши билан дарвозага киритиб, хет-трикни нишонлади.

Февралда бошланадиган ҳал қилувчи ўйинлар олдидан терма жамоамиз 6:1 ҳисобида ғалаба қозониши футболчиларга руҳий мадад бериши шубҳасиз.

**Майор Аблай КАМОЛОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

● МИНИ-ФУТБОЛ

## Ғалабага бағишлаб

1994 йил Япониянинг Хиросима шаҳрида ўтказилган XII Осиё ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қилган футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси 1-ўринни қўлга киритганди. Ушбу муваффақиятнинг 10 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон футбол ҳамда мини-футбол федерациялари мини-футбол бўйича чемпионлар кубогини ташкиллаштиришди. 11-14 ноябрь кунлари бўлиб ўтган учрашувларда 16 жамоа ғолиблик учун баҳс олиб борди. Ушбу турнирда А. Абдураимов, Ф. Давлетов, И. Шарипов каби Хиросимада Ватанимиз шаънини ҳимоя қилган фахрий спортчилар ҳам иштирок этишди. Қизғин беллашувлардан сўнг «Сархун-текс» жамоаси 3-ўринга лойиқ, деб топилди. Илк маротаба ўтказилаётган чемпионлар кубоги турнири финал йўлланмаси «Найк» ҳамда Ўзбекистон давлат ва жамият қурилиши академияси спортчиларига насиб этди. Ўта қизиқарли ва шиддатли кечган муросасиз ўйинда Ўзбекистон давлат ва жамият қурилиши академияси чарм тўп усталари 3:2 ҳисобида ғалабага эришиб, ғолибликни қўлга киритди.

**Комилжон ҲАСАНОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

● ТЕЛЕАНОНС

## «ВАТАНИМГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН»

28 ноябрь куни соат 10.00 да Ўзбекистон телевидениесининг биринчи дастури орқали Мудофаа вазирлиги Ҳарбий студияси томонидан тайёрланган «Ватанимга хизмат қиламан» кўрсатувининг навбатдаги сони эфирга чиқади.

Мазкур сонда армия сафларига келиб қўшилган ёш аскарларнинг Ҳарбий қасамёд қабул қилишига бағишланган лавҳалар, «Энг илғор мутахассис» кўрик-танлови ҳарбий округлардаги босқичи ҳақида репортажлар, Куролли Кучлар фаолиятидаги муҳим воқеалар тўғрисида материаллар, «Ҳарбий почта» каби доимий рукнлар остидаги чиқишлар ўрин олади.

Кўрсатувнинг такрорий намойиши сешанба, 30 ноябрь, соат 16.00 да эфирга узатилади.

**Ўз мухбиримиз.**

**ОТВЕТЫ НА КРОССВОРД, ОПУБЛИКОВАННЫЙ В № 135**

**ПО ГОРИЗОНТАЛИ:** 2. Тмин. 4. Руно. 6. Дьяк. 13. Олух. 15. Рысь. 17. Обед. 24. Омар. 26. Иран. 28. Офис. 35. Вояж. 37. Ирод. 39. Бинт.

**ПО ВЕРТИКАЛИ:** 8. Рыло. 9. Охра. 10. Квас. 11. Цвет. 19. Амур. 20. Ален. 21. Едок. 22. Хала. 30. Инок. 31. Опал. 32. Одер. 33. Наст.

**ВОКРУГ ЦИФР ПО ЧАСОВОЙ СТРЕЛКЕ:** 1. Интервал. 3. Сорбонна. 5. Редактор. 7. Мотоцикл. 12. Колорадо. 14. Патриарх. 16. Исповедь. 18. Атомоход. 23. Комиссар. 25. Фитотрон. 27. Воротник. 29. Тенниска. 34. Масляков. 36. Поджилки. 38. Гардероб. 40. Имитатор.

## КРОССВОРД



**ПО ГОРИЗОНТАЛИ:** 1. Прибор, измеряющий глубину «на слух». 4. Фильм «... обетованные». 8. Начальник, взятый со стороны. 9. Плод цитрусовой культуры. 10. Состояние, вводящее в замешательство. 11. Слова песни. 12. Юридическая норма. 13. Фильм с Пьером Ришаром в главной роли. 16. Лекарственное растение. 19. Знак в математике. 22. Парковая дорожка. 23. Монастырь. 24. Посильная помощь в общем деле. 25. И попугай, и удод, и страус. 26. Спортивный костюм. 28. Рафинад. 30. Геометрическая фигура. 31. Денежная кормушка страны. 32. Пассажир в транспорте (разг.) 33. Полукустарник. 36. Человек, отвергнутый обществом. 37. Киборг по своей сути. 38. Тот, кто дает ручательство. 39. Пряность.

**ПО ВЕРТИКАЛИ:** 2. Знаковое «лицо» фирмы. 3. Квартет, где один в отпуске. 4. Военный блок. 5. Целительное средство. 6. У верующих: праздничные дни — промежуток времени от Рождества до Крещения. 7. «Чешуйчатый» фрукт. 14. Азартная игра. 15. Сторож у дверей гостиницы. 17. Один из легендарных «битлов». 18. Подросток (устар.). 20. Возгорательница пламени. 21. Успех. 26. Яд, сделанный микробами. 27. Окисел на поверхности раскаленного металла. 28. Белое или желтоватое жировое вещество, идущее на изготовление свечей. 29. Дерево рода ив. 34. Род карточной игры. 35. Он бывает крутым у деспота.

**Составила З. ИСАКОВА.**

# АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

**ОВЕН.** Неделя порадует возможностями, которые позволят повернуть течение событий в нужном направлении. Вас могут загрузить сверхурочной работой, это благоприятно отразится на финансовом положении. Не стоит торопиться проявлять инициативу в делах: замыслы могут посчитать ненадежными и даже авантюрными. Порадуют и вдохновят приятные новости.

**ТЕЛЕЦ.** Принятое важное решение оказывает благоприятное влияние на деловые возможности. Возможна деловая встреча или удачное собеседование. Откажитесь от чужих и необязательных дел. Без толку заниматься планированием, действуйте в зависимости от сложившихся обстоятельств. Стоит укротить упрямство, чтобы не провоцировать конфликтов с партнерами.

**БЛИЗНЕЦЫ.** Традиционный подход к решению проблем не всегда будет удачным: пересмотрите некоторые свои взгляды. Может возникнуть эффект дежа-вю. Некоторым будет сложно смириться с фактом вашего превосходства: такая ситуация может породить зависть. Семейные проблемы могут обрушиться как снег на голову, наберитесь сил и терпения.

**РАК.** Важна внешняя респектабельность, а дела не дадут забыть о завтрашнем дне. Обострится интуиция, она поможет выпутаться из крайне непростой ситуации. Близкие будут оказывать большое влияние, что не слишком желательно. Встреча со старым другом, которую откладывали, состоится и принесет пользу. Будьте очень аккуратны в словах и поступках.

**ЛЕВ.** Придется значительно ограничить круг общения, в противном случае—немного шансов что-либо успеть. Для поддержания приятельских отношений лучше выбрать другое время. Отвлекайтесь от своих дел, если помощь требуется настоящему другу. Призовите на помощь весь свой авторитет, чтобы сдвинуть важное дело с мертвой точки.

**ДЕВА.** Честолюбивые замыслы могут воплотиться в жизнь. Действуйте очень аккуратно и придерживайте язык на людях. Не перекладывайте решение жизненно важных вопросов на чужие плечи. Если действовать дипломатично, то можете уговорить начальство на что угодно. Заранее приготовьтесь к вероятным неудачам, встречайте их во всеоружии. Отложите домашние заботы и позвольте себе отдохнуть.

**ВЕСЫ.** Стоит приготовиться к тому, что дела внезапно пойдут на лад. Порядок в голове и на рабочем месте сделает работу эффективнее, а оплату труда — значительно выше. Партнеры помогут решить проблемы. Не стоит пренебрегать помощью. Придется снова заняться незавершенными делами и проектами. Не отказывайтесь от встречи со старыми друзьями.

**СКОРПИОН.** На помощь со стороны рассчитывать не стоит. Все зависит только от ваших усилий. Успех практически гарантирован — надо только отбросить все несущественное и сосредоточиться. Вероятны заминки в делах, опоздания, споры, раздражение. Интуиция позволит разрешить давние конфликты.

**СТРЕЛЕЦ.** Грядут заметные перемены в отношениях с деловыми партнерами. Это серьезное испытание на прочность. Мелкая пакость со стороны одного из коллег по работе немного огорчит, но послужит хорошим уроком. Будьте осторожны с заманчивым предложением о новой работе. Не стоит ничего планировать серьезно.

**КОЗЕРОГ.** Объемы работы могут угрожающе возрасти. Спасут только устойчивость психики и чувство долга. Лучше плыть по течению и не форсировать события. Можете рассчитывать на помощь родственников. В конце недели близкие поймут, кто в доме настоящий хозяин, и будут слушаться во всем.

**ВОДОЛЕЙ.** Будете полны сил и настроены на созидательную волну. Будет везти на нужных людей. Воспользуйтесь удачными днями, чтобы продвинуться в личных делах и на работе. Появится шанс решить практически неразрешимые задачи, при этом учитывая интересы окружающих. По-философски отнеситесь к семейным неурядицам, все наладится.

**РЫБЫ.** Деловые встречи повлекут влиятельные знакомства. Не стесняйтесь высказывать свои соображения по поводу работы. Появится шанс оказаться на гребне волны. Если вы усвоили урок и сделали выводы, вы поступите по-умному. Проблемы родного дома и сго устойчивости приведут к новым открытиям старых истин.

Бош муҳаррир
полковник
Ирисмуҳаммад
АБДУҚАРИМОВ

Газета сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.

АЛОҚА ТЕЛЕФОНЛАРИ:
Обуна бўлими — 56-03-46.
Маълумот, реклама — 56-54-76.
Факс (3712) — 56-07-80.

Таҳририят манзили: 700031, Тошкент шаҳри, Д. Қўнаев кўчаси, 21-уй.

Реклама ва эълонларнинг ҳаққонийлиги учун реклама берувчи жавобгар ҳисобланади.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

«Ватанпарвар» газетаси босмахонасида чоп этилди.

Адади 17170. Буюртма № 0359.